

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК:330.101541:91:33(5751)**

ОСТОНОВ МЕХРИДДИН БАФОЕВИЧ

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ҲУДУДИЙ
ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

5A232301- «Минтақавий иқтисодиёт»

**Магистракадемик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий рахбар:
и.ф.н., дотц. И. О. Якубов

ТОШКЕНТ-2021

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертациясида Бухоро вилояти иктисодиётини ҳудудий тузилишини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ёритилган, иктисодиётини ҳудудий тузилишини такомиллаштиришнинг шарт-шароитлари таҳлил қилинган, ҳудудий тузилишини такомиллаштиришнинг истикболлари асосида ҳулоса ва таклифлар ишлатилган.

ANNOTATION

This master's dissertation describes the scientific and theoretical basis for improving the regional structure of the economy of Bukhara region, analyzes the conditions for improving the regional structure of the economy, develops conclusions and recommendations based on the prospects for improving the regional structure.

АННОТАЦИЯ

В данной магистерской диссертации описаны научно-теоретические основы совершенствования региональной структуры экономики Бухарской области, проанализированы условия совершенствования региональной структуры экономики, разработаны выводы и рекомендации, основанные на перспективах совершенствования региональной структуры.

«Химояга тавсия этилади»

«Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш»

кафедраси мудири,

М.Т.Аскарова

« » 2021 й

Магистрлик диссертация иши «Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш» кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. - сонли баённома « » 2021 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., дотц. И. А. Якубов

ИМЗО

сана

Магистр:

М. Остонов

ИМЗО

сана

МУНДАРИЖА

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кириш	3
I БОБ . ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Иқтисодиётнинг ҳудудий тузилиши тушунчаси ва унинг турлари	8
1.2. Ҳудуд иқтисодиёти тармок таркибини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари	15
1.3. Минтакаларда иқтисодиётнинг ҳудудий тузилишини оптимал шакллантириш асослари	23
I боб бўйича қисқача хулосалар	29
II-БОБ. БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	30
2.1. Бухоро вилояти иқтисодиётининг ҳудудий ривожланиш ҳолати ва таркиби таҳлили	30
2.2. Вилоят саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрсаткичлари таҳлили	41
2.3. Ҳудудда хизматлар соҳаси таркиби ва ундаги ўзгаришлар таҳлили	52
II боб бўйича қисқача хулосалар	59
III БОБ. БУХОРО ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	60
3.1. Бухоро вилояти иқтисодиётининг ҳудудий тузилишини такомиллаштириш асосида иқтисодий ўсишини таъминлаш таҳлили	60
3.2. Бухоро вилояти иқтисодиётининг ҳудудий тузилишини такомиллаштириш йўналишлари	70
III боб бўйича қисқача хулосалар	76
ХУЛОСА	77
ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	79

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Шу нуқтан назардан, амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислохотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилда қуйидаги йўналишларда кенг камровли ишларни амалга оширамиз.¹

Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ўзининг мақсади, асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига эга. Шу сабабли, биринчи — ислохотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар каторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг ахволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш.

¹Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги олий Мажлиси Мурожаатномаси. www.uza.uz